

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ, сайёр суд мажлиси Ургут туман ИИБ ЙХХБ биносида бўлиб, суд раиси Ф.Худайбердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, гумон қилинувчи М.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Эзгу фикр” адвокатлик фирмаси адвокати Т.Мелибоев, жабрланувчи Ш.Абдунабиевларнинг иштирокида, Ахмедов Мусурмон Содиқович (Axmedov Musurmon Sodiqovich), 1990 йил 16 февраль куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 5 нафар фарзанди бор, депутат эмас, партиясиз, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Ургут тумани, “Янгиобод” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси қўлланилмаган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1416-2201/273-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Ахмедов Мусурмон Содиқович – 2022 йил 08 июль куни соат 20:00ларда Низомова Машхура Рустамовнага тегишли бўлган ва техник жиҳатдан соз ҳолатдаги “LACETTI” русумли 30 G 560 RA давлат белгили автомашинани 4R50 “Тойлоқ-Ургут” автомобиль йўлининг Ургут тумани “Қуйи Алгар” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи қисмида “Ургут шаҳар” йўналиши бўйлаб бошқариб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сон қарорига 1-илова “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандидаги “ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” деб кўрсатилган ҳамда 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар



талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган бандларини қўпол равишда бузиб, мазкур автомобиль йўлининг “Ургут шаҳар” йўналиши ўнг томон четки қисмида велосипедда ҳаракатланиб кетаётган фуқаро Абдунабиев Шербекжон Абдуурофи ўғлини уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган. Мазкур йўл-транспорт ҳодисаси натижасида фуқаро Ш.А.Абдунабиев турли хилдаги тан жароҳатлари олиб, Ургут туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиали Тойлоқ туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2022 йил 27 июль кундаги № 401-сонли (тирик шахсга оид) хулосасига кўра, фуқаро Ш.А.Абдунабиевнинг танасида яъни бошнинг пешона соҳаси ўнг томони, ўнг ёноқ, кўкрак ўнг томони соҳаларида шилинмалар, бош миянинг чайқалиши, ўнг томондан тўртинчи қовурғанинг синиши, ўнг умров суягини синиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, утмас-қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, яъни ҳаракатда бўлган автомашинани ташқи бўртиб турувчи қисмларини танага урилиши натижасида юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар ўзининг одатдаги кечувида соғлиқни йигирма бир кундан кўп, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиш келиши, шунинг учун “ЎРТАЧА ОҒИРЛИҚДАГИ ШИКАСТ” гуруҳига кириши, етказилган вақти 2022 йил 08 июль кунига тўғри келиши кўрсатилган.

Самарқанд вилояти ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 25 июль кундаги № 1082-сонли хулосасига кўра, тўқнашувнинг дастлабки вақтида давлат рақам белгиси 30 G 560 RA бўлган “LACETTI” русумли автомашина ва йўл-транспорт ҳодисаси вақтида фуқаро Ш.А.Абдунабиев бошқарувида бўлган велосипедлар бир-бирига нисбатан икки йўналишда перпендикуляр жойлашган вазиятда тўқнашганлиги ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 94+-5 даража бўлганлиги кўрсатилган.

Судга гумон қилинувчи М.Ахмедов ва жабрланувчи Ш.Абдунабиевлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи М.Ахмедов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз



ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Абдунабиев сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, М.Ахмедовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Ш.Абдунабиевни ҳамда гумон қилинувчи М.Ахмедовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, гумон қилинувчи М.Ахмедовнинг ҳимоячиси адвокат Т.Мелибоевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчига ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, М.Ахмедовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Абдунабиев Шербекжон Абдуурофи ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Гумон қилинувчи Ахмедов Мусурмон Содиқович (Axmedov Musurmon Sodiqovich)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.



Жабрланувчи Абдунабиев Шербекжон Абдуурофи ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Худайбердиев

